

# **11-мавзу: Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти**

**Режа:**

- 1. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятиянинг тўлақонли субъектига айланиши.**
- 2. Жаҳон ҳамжамитидаги демократик ўзгаришлар.**
- 3. Ўзбекистон Республикасининг дипломатик алоқаларида демократик тамойиллар.**
- 4. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамитидаги ўрни**

**1991-йил 31-августда Олий Кенгаши VI сессиясида қабул қилинган "Мустақиллик ҳақидаги Баённомада ўз ташки сиёсатининг асосий йўлини белгилаб олган Ўзбекистон Республикаси 1992-йил 8-декабрда қабул қилинган Конституциянинг 17-моддасида бу йўлни қонун билан мустаҳкамлади. ЎзР ташки сиёсатининг асосий устувор тамойилларини қуидагиларни ташкил этади:**

- миллий-давлат манфаатларини устун қўйган ҳолда ташки сиёсатда давлатларнинг суверен тенглигини ҳисобга олиш;**
- умумбашарий қадриятларни устун қўйган ҳолда низоли можороларни тинч йўл билан ҳал этиш;**

- ташки сиёсатдаги тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорликни ўрнатишида бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик;
- барча тинчликсевар давлатлар билан ташки алоқаларни ўрнатишга интилиш;
- халқаро ҳуқуқ нормаларини тан олган ҳолда жаҳон ҳамжамиятида халқаро талабларга риоя қилиш;
- ташки сиёсатда кўп томонлама алоқаларни ўрнатишида халқаро ташкилотлар доирасида алоқаларни кенгайтириш.

— мафкуравий қарашлардан қатъий назар, ҳамкорлик учун очиқлик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик;

— чегаралар дахлсизлигини таъминлашга риоя қилиш;

— низоларни тинч йул билан хал этиш;

— куч ишлатмаслик ва куч билан тақдид қилмаслик; давлатлааро алоқаларда teng хукуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик устунлиги; ташқи алоқаларни хам икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш, бир давлат билан яқинлашиш хисобига бошқасидан узоклашмаслик ва бошқалар.

## **Ташки сиёсат фаолият учун хуқуқий негиз яратиш учун куйидагилар амалга оширилди:**

- халқаро муносабатларни ўрнатиш тартибини белгиловчи янги хужжатлар ишлаб чиқилди;**
- собиқ Иттифоқ иштирокчи булган халқаро хуқукий хужжатлар мажмуаси республика манфаати нуқтаи назаридан қайта кўриб чикқилди;**
- Ўзбекистоннинг миллий маифаатларига мос тушадиган хужжатлар ратификация қилинди.**

XX асрнинг охирида дунёнинг сиёсий макони сифат жиҳатидан ўзгарди. Совет Иттифоқи халклари ҳамда собиқ «социалистик ҳамдўстлик»даги бошқа давлатлар бир партияйийлик тизими ва марказдан туриб режалаштириш иқтисодиётидан воз кечиши. Оқибатда дунёда антогонистик ижтимоий-сиёсий тузумларнинг глобал қарама-қаршилиги барҳам топди ва дунё сиёсатида демократик жамиятлар салохияти анча ошди. Евросиё ҳудудида, жумладан, Марказий ва Шаркий Европа давлатлари, шунингдек, собиқ Совет Иттифоқи давлатлар ижтимоий-сиёсий тузумнинг демократик шаклига ўтилди. Евросиёда бир-бирига яқин ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тамойиллар асосида яшовчи, бир-бирга ўхшаш қадриятларга эътиқод килувчи, шу жумладан, глобал дунё сиёсати жараёнларига бир хилда ёндашувчи халқлар ҳамжамияти шакланади.

## **Ўзбекистон ва БМТ**

Мустақилликка эришган Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 2 март куни БМТ аъзолигига қабул қилинди. Шу билан бирга халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан кўп томонлама алоқаларни ўрнатди. Илк бор марҳум Ислом Каримов 1993 йил Нью-Йоркдаги Бош қароргоҳда нутқ сўзлаганди. Унда мамлакат собиқ президенти Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш таклифини илгари сурган. Бунинг амалий натижаси ўлароқ, 2009 йил 20 марта "Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш тўғрисида"ги шартнома кучга кирди. Айнан ушбу ташаббус кейинчалик Монтерей халқаро тадқиқотлар институти хузуридаги ядро қуроли тарқалишининг олдини олиш масалаларини ўрганиш маркази эксперти Тижей Боуз томонидан алоҳида таъкидланиб, ўз вақтида билдирилган оқилона ташаббус, дея баҳоланган.

## Ўзбекистон ва БМТ

Ўзбекистон 1992 йил 2 март куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди. Бугунги кунга қадар Ўзбекистон БМТ резолюция ва қарорларини амалиётга жорий этиш, уларнинг ижроси доирасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратиб келмокда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар билан фаол муносабатлар ва ҳамкорлик олиб бориш Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига хизмат қиласди”.

**1993 йилда ўтган БМТ Бош ассамблеясининг 48-сессияси**



## **2000 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг "Минг йиллик саммити"да**

Янги мингийилликтининг ilk даврида ташкил этилган маҳсус йиғилишда Ислом Каримов халқаро терроризм ва наркобизнес билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш; миңтақавий хавфсизлик, жумладан, Марказий Осиё миңтақасида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш; жаҳон хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш, БМТ фаолияти ва таркибий тизимини ислоҳ қилишга тааллукли таклифлар билан чиқди. Ушбу нутқ кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди, орадан бироз муддат ўтиб, яъни 11 сентябрь воқеалари юз берганидан сўнг, Ўзбекистон вакилининг сўзларида аччиқ ҳакикат борлиги аён бўлди.

## **1995 йилда БМТ ташкил этилганига 50 йил түлгани муносабати ўтган сессия**


Октябрь ойида ташкил этилган мазкур йирик тадбирда Ислом Каримов иштирок этган ва нутқ сўзлаган. Ана шунда мамлакат собиқ раҳбари қўшни Афғонистон муаммосига конструктив ёндашиш кераклигини таъкидлаб, ўз фикрларини билдирганди.

2010 йилда БМТ Бош ассамблеясининг Минг йиллик ривожланиш мақсадларига бағишенган ялпи мажлисида давлат раҳбари минтакада хавфсизлик ва барқарорликни ҳамда изчил таракқиётни таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари устувор вазифалардан эканини алоҳида таъкидлади. БМТнинг мазкур анжуманидан сўнг мамлакатимизда 2011-2015 йилларда Мингийиллик ривожланиш мақсадларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар комплекси тасдиқланди.

## **Ш.М.Мирзиёев БМТ Ассамблеясидаги 72-сессиясида**

Президентимизнинг 2017 йил сентябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги иштироки ва ушбу ташкилот юқори минбаридан туриб илгари сурган қатор муҳим ташабbusлар мамлакатимиз билан БМТ ўртасидаги ҳамкорликнинг янги босқичини бошлаб берди ва тарихий аҳамият касб этди.

Унда давлатимиз раҳбари БМТнинг халқаро муносабатлардаги ролини оширишга қаратилган долзарб фикрларни билдириди. БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, Бош Ассамблеяниң “Маърифат ва диний бағрикенглик“ ҳамда “Марказий Осиё мintaқасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича мintaқавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш” деб номланган маҳсус резолюцияларни қабул қилиш таклифи билан чиқди. Бугунги кунда Президентимизнинг БМТ маҳсус резолюцияларини қабул қилиш бўйича икки ташабbusи ташкилотга аъзо давлатлар томонидан бир овоздан консенсус билан қабул қилинди. Бу Ўзбекистоннинг БМТ доирасидаги муҳим халқаро ташабbusлар ижодкорига айланиб бораётганидан далолат.



**1992** йили **Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия универстети ташкил қилинди. Ташки иқтисодий ва сиёсий фаолиятни тартибга солувчи «Чет эл инвестициялари тўғрисида» Конун (1998), «Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида» Конун (2000), «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида» Конун (1996), «Ўзбекистон Республикасининг халкаро шартномалари тўғрисида» Конун (1995), шунингдек, «Консуллик устави», Ўзбекистон Республикаси Харбий доктрина каби муҳим хужжатлар қабул қилинди. Мана шундай назарий ва амалий кадамлар натижаси ўлароқ бугунги кунда давлатимиз мустақиллигини 170 га яқин мамлакатлар тан олди. Уларнинг 120 нафари билан дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Ўзбекистонда 43 давлат ва 20 та йирик халқаро ташкилот миссиялари аккредитация қилинган. Ўз навбатида, Ўзбекистон 40 дан ортиқ йирик ташкилотлар ҳамда 500 дан ортиқ халқаро хуқуқ субъектлари билан ҳамкорлик қилмоқда.**

Ўзбекистон бир қатор халқаро ташкилотлар -  
Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки,  
Халкаро молия корпорацияси, Европа тикланиш  
ва тарақкиёт банки, Европада хавфсизлик ва  
ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ), Иқтисодий  
ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО) билан тенг ҳуқуқли  
аъзо сифатида, Европа Иттифоқи, НАТО билан эса  
махсус битимлар асосида самарали ҳамкорлик  
қилиб келмоқда. Жумладан, НАТО билан  
«Тинчлик йулида ҳамкорлик» дастури  
доирасидаги алоқалар

2017–2021

йилларда

Ўзбекистон

Республикасини

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича  
Харакатлар стратегиясининг “Хавфсизлик, миллатлараро  
тотувлик ва диний бағрикэнгликни таъминлаш ҳамда чуқур  
ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташки сиёsat  
соҳасидаги устувор йўналишлар” номли бешинчи устувор  
йўналишида кўйидагилар акс этган:

1. Хавфсизлик, диний бағрикэнглик ва миллатлараро  
тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлар:
  - Ўзбекистон Республикасининг конститутсиявий тузуми,  
суверенитети, ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилиш;

- ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги тахдидларга қарши ўз вақтида ва муносиб ҳаракатларни ташкил этиш;
- фуқаролик, миллатлар ва конфессиялараро тинчлик ҳамда тотувликни мустаҳкамлаш;
- давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Куролли Кучларининг жанговар қурдати ва салоҳиятини ошириш;
- атроф-табиий муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зарар етказадиган экологик муаммоларнинг олдини олиш;
- фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тизимини такомиллаштириш.

## **2. Чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар:**

- давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг халқаро муносабатларнинг teng ҳуқуқли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини ошириш, ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, Ўзбекистоннинг теварагида хавфсизлик, барқарорлик ва ахил қўшничилик мухитини шакллантириш;
- Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамиятига мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар ҳақида холис ахборот йетказиш;
- Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятини норматив-ҳуқуқий базасини ҳамда халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;
- давлат чегарасини делимитация (белгилаш (чегаралаш) демаркация масалаларини ҳал этиш.





# ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН САВДО АЛОҚАЛАРИ

**2020**

Январь  
Июль



Марказий Осиё давлатларидан импорт

84,0%	1 350,5
143,8%	1 607,3
160,0%	1 117,5

Ўзбекистон Республикаси давлат статистика кўмитаси мазлумотлари асосида

CERR

**12,9 %**

Дунё

Марказий Осиё давлатларининг ташки савододаги улуси

1 533,3

470,2

275,2

248,7

Таджикистан 224,6 50,8

Киргизистон 399,6 70,6

Савдо айланмасининг ўсиш суръатлари

146,4% 138,0%



82,7%

2018

2019

2020

Козогистон  
Киргизистон  
Таджикистан  
Туркманистон



Июль 2020

Июль 2019

Июль 2018

Марказий Осиё давлатларига экспорт

1 176,9	81,1%
1 450,5	132,1%
1 097,7	134,7%

ЭКОНОМИЧЕСКОЕ  
ОБОЗРЕНИЕ

**Президент Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга йўллаган навбатдаги Мурожаатномасида Ўзбекистоннинг ташки сиёсати бундан буён ҳам ана шу принциплардан чекинмаган ҳолда изчил давом эттирилишини тъкидлади. Шу билан бирга, дунёning ривожланган давлатлари бўлмиш АҚШ, Россия, Хитой, Туркия, Япония, Жанубий Корея ва Европа иттифоқи билан савдо-иктисодий, инвестициявий, молиявий, маданий-гуманитар ва хавфсизлик соҳасидаги алоқаларни янгила мазмун-моҳият билан бойитган ҳолда янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш зарурлигига алоҳида ургу берилди.**

**Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг АҚШ билан савдо-иқтисодий алоқалари тобора ривожланиб бормокда. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда АҚШнинг “General Motors Powertrain Uzbekistan”, “Exxon Mobil”, “CNH Industrial”, “Coca-Cola”, “Hyatt”, “Hilton”, “John Deere”, “Honeywell”, “Caterpillar” ва бошқа қатор дунёга таниқли йирик компаниялари фаолият юритмокда.**

**Россия Федерацияси билан кенг кўламли ҳамкорлик эса, ҳар икки давлат ўртасида имзоланган Стратегик ҳамкорлик ва Иттифоқдошлиқ муносабатлари тўғрисидаги шартномалар асосига қурилган.**

**Шунингдек, ҳозирги кунда Россия Федерацияси билан икки томонлама савдо-иқтисодий алоқалар ҳам жадал суръатларда ривожланмокда. Шу ўринда ташқи савдо ҳамкорларимиз орасида Россия Федерацияси етакчи ўринларни эгаллаб келаётганини эътироф этиш лозим.**

**Хитой билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳам томонларнинг терроризм, экстремизм, наркотрафик, ноқонуний қурол савдоси ва хавфсизликнинг бошқа таҳдидлари бўйича қарашларнинг яқинлиги асосида олиб борилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Хитой билан стратегик ҳамкорликни мустаҳкамлаш, кенг савдо-иктисодий, инвестицион ва молиявий ҳамкорликни кенгайтиришда ўзаро манфаатдорлик тамойилларига асосланади.**

**Ўзбекистоннинг йирик савдо-иқтисодий ҳамкорларидан бири ҳисобланган Туркия давлати билан ҳам иқтисодий ва сиёсий алоқалар мустаҳкамланишда давом этмоқда. Ҳар икки давлат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида муунтазам равишда сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказиб борилмоқда. Шу билан бирга, икки давлат ўртасидаги маданий-гуманитар, таълим ва туризм соҳаларидағи алоқалар ҳам изчил ривожланиб бормоқда.**

**Япония доимий равища Ўзбекистонга молиявий-техник ёрдам кўрсатиб келади. Ушбу ёрдам туфайли Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, маориф, транспорт, телекоммуникация ва бошқа соҳаларда қатор ижтимоий аҳамиятли ва инфратузилма лойиҳалари амалга оширилди.**

**Шунингдек, мамлакатимизда Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ва Япония ташқи савдо ташкилоти (JETRO) нинг минтақавий ваколатхоналари самарали фаолият олиб бормокда. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг “UzAuto” ва Япониянинг “Isuzu” компанияси ҳамкорлигига автобуслар ва юк машиналари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган.**

**Жанубий Корея билан ҳамкорлигимиз Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22-25 ноябрь кунлари Корея Республикасига давлат ташрифи натижалари бўйича қабул қилинган Стратегик ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш тўғрисидаги баёноти асосида давом эттирилмоқда. Шунингдек, ушбу ташриф доирасида давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро даражадаги 20 дан зиёд келишувлар имзоланди. Бундан ташқари, қиймати 10 миллиард доллардан зиёд бўлган савдо-иктисодий, молиявий-техникавий ва бошқа соҳаларда жами 64 та хужжат имзоланди, улардан 4 миллиард доллари Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан-тўғри корейс инвестицияларини ташкил этади.**

**Европа иттифоқи билан самарали ҳамкорлигимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий негизини Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим ташкил этиб, ушбу ҳужжат асосида кўп қиррали муносабатларнинг таъсирчан механизмлари – Ҳамкорлик кенгаши ва қўмитаси, Парламентлааро ҳамкорлик қўмитаси ва бошқа тузилмалар самарали фаолият юритиб келмоқда.**

**Қолаверса, мамлакатимиз Ўзбекистон-Европа шериклигининг кенг кўламли инвестиция дастури доирасида Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича фаол иш олиб бормоқда.**